

Ансорийлар ажр-савобнинг ҳаммасини олиб кетишди



20:00 / 13.05.2021 2504

Анасдан ривоят қилинади:

«Муҳожирлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Ансорийлар ажр-савобнинг ҳаммасини олиб кетишди», дейишди.

«Йўқ, ундай эмас. Сиз уларнинг ҳаққига дуо қилиб турсангиз ва уларга мақтов айтиб турсангиз, ундай бўлмайди», дедилар».

Шарҳ: Ансорийлар муҳожирларга инсоният тарихида мисли кўрилмаган яхшилик қилишди. Ҳижрат қилиб келганларида уларни очиқ қалб билан кутиб олдилар, уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминладилар.

Ансорийлар муҳожирларнинг барча эҳтиёжларидан хабар олиб туришган, уларга уйларининг ярмини бўлиб беришган. Ҳатто баъзи ансорийларнинг иккита хотини бўлса, «Эй биродар, хотинларимдан бирини танла, мен талоқ қилай, сен унга уйлангин», дейилган ҳолатлар ҳам бўлган.

Инсоният тарихида ҳеч бир қавм ансорийлар муҳожирларга қилган яхшиликни қилмаган. Ана шундай улуғ амалларни қилган ансорийларни кўриб, муҳожирлар «Ансорийлар ажр-савобнинг ҳаммасини олиб кетишди», деган фикрга боришган ва буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламга изҳор қилишган.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, ундай эмас. Сиз уларнинг ҳаққига дуо қилиб турсангиз ва уларга мақтов айтиб турсангиз, ундай бўлмайди», деб жавоб берганлар.

Шунинг учун биров яхшилик қилса, ҳеч бўлмаганда унинг ҳаққига дуо қилган одам ҳам савоб олар экан. Бу нарса Ислom маданиятининг намуналаридан биридир. Чунки одамларга шукр қилмаган одам Аллоҳ таолога ҳам шукр қилмайди. Бу амал жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишига ҳам омил бўлади.

«Одоблар хазинаси» китоби асосида тайёрланди